

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган, табақалаштирилган тариф ўйича тўловни амалга ошираётган истеъмолчи энергия сарфи ҳақидаги ҳисоботида тўлиқ истеъмол қилинган энергия ҳажмидан (актив ва реактив) ташқари тифиз, ярим тифиз ҳамда тунги даврларда истеъмол қилинган ҳажмларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиши лозим.

3.5. Тарифлар ўзгарганда, Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун тўловни янги тариф бўйича, улар кучга кирган кундан бошлаб амалга оширади.

3.6. Истеъмолчига энергия етказиб бериш, у томонидан келгуси ҳисоб-китоб даври бошлангунга қадар шартномавий миқдор қийматининг 100 фоизини (100%) олдиндан тўлагандан сўнг амалга оширилади.

3.7. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисбот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов учун ҳисоб-варафини беш кун дебайнида ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ишар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада ву кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда ажами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варафини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги кўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин Корхона белгиланган тартибда амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қиласи.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пена бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчининг айби билан энергия Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.